

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА  
ҚЎМИТАСИНING  
ҚАРОРИ

**471** **Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва  
қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
3 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2131-1*

*(2012 йил 13 октябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги ПФ-4455-сонли «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 328-модда) мувофиқ, товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартибини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2010 йил 19 июлдаги ЭГ-01/10-4014, 60, 01-02/8-10-сон қарори (рўйхат рақами 2131, 2010 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 33-сон, 279-модда) билан тасдиқланган Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Ташқи иқтисодий  
алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазири**

**Э. ГАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 август,  
ЭГ-01/10-4974-сон

40 (540)-сон

— 57 —

471-модда

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 август,  
67-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси**

**З. ДУСАНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 30 август,  
01-02/8-13-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги ва  
Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил  
30 августдаги ЭГ-01/10-4974, 67, 01-02/8-  
13-сон қарорига  
ИЛОВА

**Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган  
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-бандда:

олтинчи ва еттинчи хатбошилар қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**Товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификат** (бундан буён сертификат деб юритилади) — товарларнинг келиб чиқиш мамлакати тўғрисида аниқ далолат берувчи ҳужжат, шу жумладан электрон шаклдаги ҳужжат;

**Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлаш** (бундан буён матнда сертификатлаш деб юритилади) — Ўзбекистон Республикасидан экспорт ва реэкспорт қилинаётган товарларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни бериш, гувоҳлантириш орқали товарларнинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш мақсадида экспертиза ўтказиш жараёни;»;

қуйидаги мазмундаги саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«**товар** — божхона чегарасидан ўтувчи ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан иссиқлик, электр, бошқа энергия турлари ва транспорт воситалари (товар ва йўловчиларни халқаро ташиш хизматларини амалга оширувчи транспорт воситаларидан ташқари);

**товар туркуми** — бир вақтнинг ўзида битта юк олувчининг манзилига бир йўналишда юк жўнатувчидан бир ёки бир нечта товар кузатув ҳужжатлари асосида, шунингдек бир почта юк хати бўйича ёки чегарани кесиб ўтувчи шахснинг юки сифатида жўнатилаётган товарлар;»;

саккизинчи хатбоши ўнинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги мазмундаги 8<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«8<sup>1</sup>. Товарларни МДХ давлатларига экспорт қилишда «етарлича даражада қайта ишланганлиги» мезонини қўллаш учун кумуляция тамоёйлидан фойдаланиш мумкин, яъни товарларни МДХ давлатларида бирин-кетинликда қайта ишлашда, ушбу давлатлар келиб чиқишни аниқлаш мақсадлари учун яхлит ҳудуд сифатида кўрилади.».

3. 27-банднинг тўртинчи хатбошидаги «товарнинг юкланаётган туркумига» деган сўзлар «экспорт қилинаётган товарга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги 27<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

«27<sup>1</sup>. Реэкспорт қилинаётган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатни олиш учун муружаат қилинганда қуйидагилар тақдим қилиниши керак:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган товарнинг келиб чиқиши тўғрисидаги сертификатнинг асл нусхаси;

товарнинг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига келиб тушганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси;

экспорт шартномаси ёки товарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан реэкспорт қилинаётганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат нусхаси.».

5. 28-банднинг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

6. 31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«31. Экспертиза далолатномаси экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдорига ёки (экспортёрнинг ихтиёрига кўра) товарнинг жўнатишга тайёр бўлган туркумига расмийлаштирилади.».

7. 39-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«39. Сертификат экспертиза далолатномаси асосида экспорт қилинаётган товарнинг шартномада кўрсатилган барча миқдорига ёки товарнинг жўнатишга тайёр бўлган туркумига (экспортёрнинг ихтиёрига кўра), Бош Преференциялар Тизимида мувофиқ преференциялар тақдим этувчи хорижий давлатларга экспорт қилинаётган товарларга — А шаклида, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларига — СТ-1 шаклида, бошқа давлатларга — мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ рус ёки инглиз тилларида ёки Ўзбекистон Республикаси билан тузилган битимларда белгиланган шаклларда расмийлаштирилади.

Экспортёрнинг ихтиёрига кўра, сертификат алоҳида транспортда ташилаётган товар бирликларига берилиши мумкин.».

8. VII бўлим ва 5-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. 4-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

40 (540)-сон

— 59 —

471-модда

Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга  
ИЛОВА

«Товарларнинг келиб чиқишини сертификатлашни ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

|  |  |   |  |   |   |
|--|--|---|--|---|---|
| 1. Юк жўнатувчи/Экспортёр (номи ва почта манзили)<br>Consignor/Exporter (name and postal address)  |  | 4. №<br><b>ТОВАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ<br/>ТЎҒРИСИДАГИ СЕРТИФИКАТ</b><br>(умумий шакл)<br><br>Ўзбекистон Республикасида берилган<br><br><b>CERTIFICATE OF ORIGIN</b><br>Issued in REPUBLIC OF UZBEKISTAN |  |   |   |
| 2. Юкни қабул қилувчи/Импортёр (номи ва почта манзили) Consignee/Importer (name and postal address)  |  |   |  |   |   |
| 3. Транспорт воситаси ва йўналиши<br>(имкон қадар маълум бўлса)<br>Means of transport and route (as far as known)  |  | 5. Хизмат қайдлари учун<br>Remarks  |  |   |   |
| 6. №   | 7. Товар<br>маркировкаси<br>ва қадоқ<br>рақами<br><br>Marks &<br>No PKGS | 8. Жойлар сони, қадоқ тури<br>ва маҳсулот номи<br><br>Number and kind of packages;<br>description of goods  | 9. Келиб<br>чиқиш<br>мезони<br><br>Origin<br>criterion   | 10. Брутто/<br>соф вазни<br>(кг)<br><br>Gross/net<br>weight<br>quantity | 11. Ҳисобварақ-<br>фактуранинг<br>рақами ва<br>санаси<br><br>Number and<br>date of invoices |
| 12. Гувоҳлантириш<br>Мазкур билан ариза берувчи декларацияси<br>ҳаққонийлигини тасдиқлаймиз<br><b>It is hereby certified, on the basis of control<br/>carried out, that the declaration by the exporter<br/>is correct</b> |  |   | 13. Ариза берувчи декларацияси<br>Қуйида имзо қуювчи юқорида кўрсатилган<br>маълумотлар ҳаққонийлиги ва барча<br>маҳсулотлар<br><b>The undersigned hereby declares that the<br/>above details and statements are correct; that<br/>all the goods were originate in the</b><br><br>_____<br>дан келиб чиқишини<br>тасдиқлайди.<br><br><b>Exported to</b> _____ <b>га</b><br>экспорт қилинмоқда.<br><br>Signature                      Date                      Stamp<br><b>Подпись                      Дата                      печать</b> |   |   |
| Signature  | Date   | Stamp   | Signature  | Date  | Stamp   |
| <b>Подпись</b>   | <b>Дата</b>  | <b>печать</b>   | <b>Подпись</b>   | <b>Дата</b>   | <b>печать</b>   |

».